# МАФТУНКОР ВА БЕТАКРОР ЎЗБЕКИСТОН




(Давоми. Боши 1-бетда).

**Савол: Ўзбекистон қанчалик очиқ давлатга айланди ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилишда қандай натижаларга эришди, бу инвестициялар қайси давлатлардан келди?**

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва такомиллаштириш, хорижий сармоядорларнинг фаолият юритиши ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Албатта, бир суҳбат доирасида барча масалаларни қамраб олиш ва баён этишнинг иложи йўқ. Шунинг учун Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган айрим қонуний-ҳуқуқий кафолатлар, молиявий ва солиқ имтиёзлари ҳақидагина тўхталиб ўтмоқчиман, холос.

Авваламбор шуни таъкидлаш жоизки, бизда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» махсус қонун қабул қилинган. Унга кўра Ўзбекистонда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва мол-мулки дахлсизлиги ва ҳимоя қилиниши таъминланади. Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестиция киритган кундан бошлаб 10 йил давомида инвестиция киритган вақтидаги қонунчилик қўлланилади. Хорижий инвестор янги қонунчиликдан ўз сармояси учун фойдали бўлган қоидаларни хоҳишига қараб қўллаши мумкин. Бундан ташқари, инвестициядан тушган даромадни ҳеч қандай чекловсиз, эркин репатриация ва қайта инвестиция қилиш кафолатланади.

Иқтисодий шароит нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш муҳимки, 2003 йил 15 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта жамғармаси Низомининг 8-моддасига қўшилди ва ўз миллий валютасини чекловсиз конвертация қилмоқда. Миллий валютамиз — сўмнинг конвертация қилиниши хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётни модернизациялаш ва экспортни рағбатлантириш учун алоҳида аҳамиятга эга эканлигини биз яхши англаймиз.

Айни пайтда кенг солиқ имтиёзлари ва бошқа қулайликлар ёрдамида инвесторлар учун маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан анча яхшироқ муҳит яратилди. Жумладан, Ўзбекистонда хорижий сармоя иштирокида ташкил этилган корхоналар 3 йилдан 7 йилгача даромад солиғини тўлашдан, 2 йилгача мулк солиғи тўлашдан, технологик ускуналар олиб кирганда божхона тўловларини тўлашдан озод қилинади.

Хорижий инвесторлар иқтисодиётимизнинг исталган тармоғидаги корхоналарни хусусийлаштиришда, шу жумладан, Ўзбекистонда олинган даромадини қайта инвестиция қилиш ҳисобидан ҳам, иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон географик жойлашуви нуқтаи назаридан ҳам хорижий инвесторлар учун эътиборлидир. Шу боис Ўзбекистоннинг бутун Марказий Осиёдаги марказий геостратегик мавқеини инобатга олиб, қисқа вақт ичида мамлакатимиздаги автомобиль ва темир йўллари Европа ва Осиё ўртасидаги қитъалараро ва транспорт йўлакларига интеграция қилинди, барча қитъалар ва дунёнинг йирик шаҳарлари билан тўғридан-тўғри ҳаво алоқаси йўлга қўйилди. Бу эса унга МДҲ, Европа, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бозорларига кириб бориш учун йирик логистик марказга айланиш имконини берди.

Ўзбекистон — кадрлар салоҳияти нуқтаи назаридан ҳам эътиборга сазовор мамлакат. Махсус қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, узлуксиз таълим тизими аҳолининг 100 фоиз саводхонлигини таъминлаш имконини бермоқда. Ўзбекистонда тор ихтисосликдаги илмий-тадқиқот институтларидан тортиб кўп тармоқли университетларгача бўлган ўқув ва илмий муассасалар тармоғи кенг ривожланган. Улар мамлакатнинг инновация тараққиёти ва юқори малакали муҳандислар ва илмий ходимлар тайёрлаш учун мустаҳкам база ҳисобланади.

Мазкур омиллар Ўзбекистоннинг хорижий инвестициялар учун Марказий Осиёдаги энг мафтункор мамлакатга айланиш имкониятини берди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 3500 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда, фақат сўнгги уч йил давомида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 4 баравар ошди. Ўзлаштирилган хорижий капитал ҳажмининг 76 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этади. Умуман олганда, бугунги кунда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 20 миллиард АҚШ долларидан ортиқдир.

Соҳалар бўйича олиб қараганда, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар умумий ҳажмининг 30 фоизи нефть-газ конларини қидириш ва ўзлаштириш лойиҳаларига тўғри келади, 15 фоизи ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантиришга йўналтирилган, 13 фоизи тўқимачилик лойиҳаларини амалга оширишга сарфланди, 7 фоизи молиявий секторга тўғри келади.

Сўнгги йилларда хорижий сармоя иштирокида ўнлаб ва юзлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Марказий Осиёда энг йирик саноат корхоналари — Шўртан газкимё мажмуаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Асака шаҳридаги автомобиль заводи, Қўнғирот сода заводи ва йирик тўқимачилик мажмуалари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда хорижий сармоялар иштирокида 5 та банк, 10 га яқин халқаро суғурта ва аудиторлик компаниялари фаолият кўрсатмоқда.

Бу борада қабул қилинган чоралар сўнгги ўн йил давомида мамлакатимиз ташқи савдо айланмасини 5 баравардан кўпроқ ошириш имконини берди, бунда экспорт таркибида юқори қўшимча қийматли маҳсулот улуши 65 фоизгача ёки 4 баравар ортди.

Ўзбекистон иқтисодиётига салмоқли инвестиция киритаётган, айни пайтда савдо-сотиқ соҳасида бизнинг асосий шерикларимиз қаторида Япония, Жанубий Корея, Россия Федерацияси, Хитой, Германия, Франция, Туркия ва бошқа давлатларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Улар мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Умид қиламанки, яқин келажакда Сингапур ҳам ушбу мамлакатлар қаторидан ўрин олади. Зеро, биз бу давлат билан истиқболли ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

**Савол: Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ўсиши ва ривожланиши учун қандай саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда?**

Тарихий, миллий ўзига хослик, кўп асрлар давомида шаклланган турмуш тарзи ва халқ менталитетидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини танлади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ислоҳ қилиниши бешта асосий тамойилга таянади.

Биринчидан, биз иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини, ички ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг мафкурадан холи эканлигини эълон қилдик.

Иккинчидан, давлат асосий ислоҳотчи, амалга оширилаётган демократик ва бозор ўзгаришларининг изчил ташаббускори бўлмоғи лозим.

Учинчидан, қонун устуворлигини таъминлаш.

Тўртинчидан, давлат ва жамият кўмагига муҳтож бўлган барча фуқаролар манфаатларини ҳимояловчи кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Ва, ниҳоят, мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишни аста-секин, тадрижий йўл билан амалга ошириш.

Мазкур тамойилларнинг амалга оширилиши иқтисодиётимизни ривожлантириш борасида эришган ютуқларимизнинг замини бўлди.

1996 йилдан бошлаб иқтисодиётимиз барқарор ўсиш йўлига ўтди, фақат 2000-2006 йилларнинг ўзида Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ҳажми 50 фоизга ўсди. Сўнгги уч йил давомида ЯИМ ўсиш ҳажми барқарор равишда 7 фоиздан ошиб келмоқда. Иқтисодиётнинг енгил саноат ва автомобиль саноати, алоқа хизмати ва коммуникациялар, транспорт каби соҳаларида ЯИМга нисбатан ўсиш суръатларининг илгарилаб бориши кузатилмоқда, бу эса иқтисодиёт таркибида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, сўнгги тўрт йил давомида ЯИМ таркибида саноат улуши 1,5 баравар ортди ва 2006 йилда 22 фоиздан ошди, хизмат кўрсатиш соҳаси улуши эса деярли 40 фоизга етди.

Олиб борилаётган қатъий монетар ва фискал сиёсат инфляцияни кескин пасайтириш имконини берди, айни пайтда унинг даражаси сўнгги уч йил давомида 7 фоиздан ошмай келмоқда, давлат бюджети эса 2005-2006 йилларда профицит билан ижро этилган. Ўз навбатида инфляциянинг паст даражаси миллий валютани айирбошлаш курсининг барқарорлигини таъминламоқда.

Айни пайтда ЯИМга нисбатан жамланма давлат харажатлари 2000 йилда 38 фоизгача, ўтган йили эса 31,6 фоизгача қисқарди. Ушбу даврда фойда солиғи ставкаси 31 фоиздан 10 фоизгача, жисмоний шахслар даромадига солинадиган максимал солиқ ставкаси 40 фоиздан 25 фоизгача, Пенсия жамғармасига ажратмалар 40 фоиздан 24 фоизгача қисқарди.

Жорий операциялар бўйича миллий валюта конвертациясига эришилгани экспортни рағбатлантиришга йўналтирилган чоралар билан биргаликда товарлар ва хизматлар экспортининг барқарор ўсишини таъминлади, ушбу кўрсаткич 2000-2006 йилларда 1,7 баравар ортди. Ўтган йили тўлов балансининг ижобий сальдоси ЯИМ ҳажмининг 9,1 фоизини ташкил этди, мамлакат олтин-валюта захиралари эса сўнгги 5 йил давомида деярли 5 баравар ортди.

Ўтиш даври иқтисодиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган аниқ мақсадга йўналтирилган тузилмавий ва институционал ўзгаришлар сиёсати амалга оширилмоқда.

Бу борада шуни қайд этиш зарурки, сўнгги беш йил давомида 6750 дан ортиқ ўрта ва йирик корхоналар хусусийлаштирилди, шулардан 980 таси 2006 йилда хусусийлаштирилган.

Бошқа томондан, кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар ўтказилди, бунинг натижасида 20 га яқин вазирлик ва идора тугатилди, иқтисодиётни маъмурий бошқариш бўйича 500 та давлат функцияси бекор қилинди, маъмурий-бошқарув ходимлари сони эса 75 минг кишига ёки уларнинг умумий сонига нисбатан 22 фоизга қисқартирилди.

Мазкур чоралар давлатнинг иқтисодиётдаги бошқарувчилик ролини кескин қисқартиришга ва унинг иқтисодий жараёнларга ортиқча аралашувини бартараф этишга ёрдам берди.

Биз ЯИМнинг деярли 30 фоизини таъминловчи аграр соҳадаги ислоҳотларга катта аҳамият бермоқдамиз, бунда асосий эътибор хусусий фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Ўтган йили фермер хўжаликлари томонидан 90 фоиздан зиёд пахта етиштирилди, ҳолбуки беш йил аввал пахтанинг атиги 10 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилар эди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоиздан ортиғи амалда фермер хўжаликлари ва хусусий сектор томонидан етиштирилмоқда.

Ҳозирги кунда ЯИМнинг 78 фоизи нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда, бу тармоқда иқтисодиётда банд кишиларнинг 80 фоизи меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон кўп йиллардан бери йирик пахта ва олтин экспорт қилувчи давлатлардан бири бўлиб келмоқда. Ушбу анъанавий экспорт маҳсулотлари қаторига Ўзбекистоннинг янги маҳсулоти қўшилди — кейинги уч йил давомида бизнинг автомобилларимиз Россия ва бошқа МДҲ давлатларининг кучли рақобатли бозорларида мунтазам равишда энг харидоргир бўлиб келмоқда.

Иқтисодиёт соҳасида эришган ютуқларимиз ва давлатимизнинг молиявий барқарорлиги бизга Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури каби кенг кўламли ижтимоий дастурларни амалга ошириш имконини бермоқда.

**Савол: Сингапур билан иқтисодиётнинг қайси соҳаларида ҳамкорлик қилишни ва қайси тармоқларга Сингапур инвестицияларини жалб этишни истардингиз? Шу жиҳатдан, Сингапур компанияларига Ўзбекистонда ўз бизнесини очиши учун қандай шароитлар яратилган?**

Биз Сингапурнинг иқтисодий ютуқларини диққат билан кузатиб келамиз. Бизнингча, Сингапур иқтисодиёти ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат ҳукумати иқтисодий сиёсатининг самарасини ўзида яққол акс эттиради.

Сизлар замонавий глобал иқтисодиёт йўналиши ва талабларига ўз вақтида жавоб берадиган ҳамда мослаша оладиган иқтисодиётни шакллантиришга эришдингиз. Сингапур иқтисодиётини ривожлантириш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу борада миллий иқтисодиётни ривожлантириш босқичларининг ёрқин намунасини кўриш мумкин. Бу оддий ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ривожланиб, бугунги кунда замонавий юксак технологияли иқтисодиётга айланганида намоён бўлмоқда.

Бизга яхши маълумки, Сингапур иқтисодиёти бир неча йиллардан буён дунёдаги энг рақобатбардош иқтисодиётлар бешлигидан муқим ўрин олган. Сингапур халқи жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин ва мавқега эга бўлиш учун мамлакат ҳудудининг каттакичиклиги, аҳолисининг сони ҳал қилувчи омил эмаслигини исботлади.

Сизлар асос солган мустаҳкам иқтисодий пойдевор ўтган асрнинг 90-йиллари охирида Осиё бошидан кечирган иқтисодий бўҳронлардан мамлакатингиз нисбатан кам талафот билан ўтишига имкон берди.

Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, географик жойлашуви, бу ерда инвестиция ва тадбиркорлик фаолияти учун яратилган ҳуқуқий база ҳамда Сингапурнинг иқтисодий салоҳияти икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Бизнингча, қуйидагилар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали ва ўзаро фойдали йўналишлари бўлиши мумкин:

**Биринчидан,** молия-банк соҳасидаги ҳамкорлик яхши истиқболга эга. Молия институтлари ва банклар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ўзаро инвестиция ҳамда савдо ҳажмининг ўсишида асосий роль ўйнаши лозим.

**Иккинчидан,** Ўзбекистоннинг табиий захиралари ва Сингапурнинг молиявий ресурслар билан таъминланган юқори технологияли саноати углеводород ва бошқа турдаги хомашёларни қидириш, қазиб олиш ҳамда қайта ишлашда Сингапур компанияларининг иштирок этиши учун асос бўлади.

**Учинчидан,** бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, рангли ва қимматбаҳо металларни қазиб олиш ва қайта ишлашга Сингапур инвестицияларини жалб қилиш ҳам юқори самара беради. Сизга маълумки, Ўзбекистонда олтин, кумуш, мис, молибден, вольфрам, уран, бошқа металл ва полиметалларнинг йирик конлари мавжуд.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистонга Сингапурнинг юқори технологиялар соҳасида фаолият кўрсатаётган компанияларини жалб қилишдан манфаатдорлигимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки, Ўзбекистонда ахборот ва телекоммуникация технологиялари юқори суръатда ривожланиб бормоқда, бундай компаниялар катта даромад олмоқда. Ўзбекистоннинг замонавий технологиялар бозорида Корея, Япония, Германия, Россия, Хитой ва бошқа давлатларнинг йирик компаниялари фаолият кўрсатаётгани ҳам ушбу тармоқнинг жозибадорлигини тасдиқлайди.

**Бешинчидан,** қулай табиий-иқлим шароити, ноёб тарихий-диний ёдгорликлар, шунингдек, дунёнинг барча қитъа ва йирик шаҳарлари билан авиақатновларнинг йўлга қўйилгани, туризм, тоғчанғи спорти, баланд тоғли жойларда дам олиш учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги сайёҳлик соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция сарфлашнинг истиқболли йўналишларидан бири эканини кўрсатади.

**Олтинчидан,** Ўзбекистон кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва таълим соҳасида ҳам алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдордир.

Ва ниҳоят, бўлғуси инвесторларга Ўзбекистонда ихтисослашган иқтисодий ва экспорт ҳудудларини ташкил этиш ҳамда уларни бошқариш соҳасида ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқишни таклиф этмоқчиман. Бунда мамлакатимиз транспорт инфратузилмасининг қитъалараро транспорт йўлаклари билан интеграциялашганини назарда тутиш лозим.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бугунги кунда Ўзбекистонда тўғридан-тўғри Сингапур инвестициялари билан 12 та, жумладан 100 фоиз капитали билан 2 та корхона фаол ишлаб турибди. Албатта, бу икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестиция ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича мавжуд улкан имкониятларга қараганда катта кўрсаткич эмас.

Биз Сингапур компанияларининг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатишга қизиқиш билдираётганини қўллаб-қувватлаймиз ва уларни мамлакатимиз билан янада фаол ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

Ўз навбатида, биз Сингапур компаниялари Ўзбекистонда фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиш борасида барча имкониятларни ишга соламиз.

**Савол: Бугунги кунда Ўзбекистон олдида қандай муаммолар бор ва уларни ҳал этиш борасида қандай чоралар кўрилмоқда? Сиз наркотрафик ва террорчиликни Ўзбекистон олдида турган асосий муаммолардан деб ҳисоблайсизми?**

Мамлакатимиз ва халқимиз ўзининг 15 йиллик мустақил тараққиёт йўлида кўплаб мураккаб муаммо ва синовларга дуч келди ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўрди.

Шубҳасиз, бу вазифаларни ҳал қилишда халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти ва мамлакатимиз танлаган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва модели асосий омил бўлди.

Бизнинг мақсадларимиз аниқ ва равшан. Ўз моҳиятига кўра, улар демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, одамлар фаровонлигини изчил оширишга қаратилган. Жамиятда тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминламасдан бунга эришиш қийин. Бу борада нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки бутун жаҳон ҳамжамияти билан муносабатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугун биз танлаб олган ва синалган ривожланиш ҳамда тараққиёт йўлидан барқарор ва изчил боришимиз учун олдимизда турган жиддий муаммоларни яхши биламиз, албатта.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, бу йўлдаги таҳдид ва хатарлар, биринчи навбатда хавфсизликка таҳдид ҳамда вазиятни издан чиқариш хавфи бутун Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақаларидаги аҳволга, Яқин Шарқ муаммоларининг нечоғли ҳал қилинишига бевосита боғлиқ.

Минтақада ва алоҳида олинган мамлакатда ўз геостратегик ва геосиёсий мақсадларига эришиш учун «бошқариладиган издан чиқариш» ҳолатини вужудга келтиришга интилаётган турли бузғунчи кучлар ва халқаро марказларнинг бирлашиш тенденцияси жиддий ташвиш ва хавф уйғотмасдан қолмайди.

Яна бир муҳим ва жиддий муаммо — бу халқаро терроризм ва наркотрафик. Уларни фақат Ўзбекистон чегаралари доирасида кўриб чиқиб бўлмайди, чунки бу муаммолар аллақачон бутун маърифий дунё учун оғриқли нуқтага айланди.

Марказий Осиё давлатлари орқали ўтадиган наркотиклар транзити нафақат бизнинг мамлакатимиз учун, балки бутун минтақа учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бундан ташвишланишимиз ўринлими? БМТ маълумотларига кўра, 2006 йилда Афғонистонда қорадоридан рекорд ҳосил олинган — 6100 тонна, шунинг чорак қисми бизнинг минтақамиз орқали ўтади.

2002 йилнинг октябрида БМТ Бош котибининг мамлакатимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ трансчегара жиноятчилигига қарши кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини (ЦАРИКЦ) тузиш ташаббусини илгари сурган эди. Ҳозир ушбу Марказни ташкил этиш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Бизнинг яна бир ташаббусимиз — Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифимиз ҳам тўлиқ амалга оширилди. БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг тўртта резолюцияси ва иккита қарорида Ўзбекистоннинг мазкур ташаббусини қўллаб-қувватлади. Ташаббусимиз 2006 йил 8 сентябрда Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёдаги бешта давлат томонидан Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши билан ўз амалий ифодасини топди.

Пировардида шуни таъкидлашни истардимки, замонавий таҳдид ва хатарлар уларга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликнинг янги самарали моделини шакллантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон бу борада тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш учун ҳамиша очиқ давлат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, бу масалаларда халқаро ҳамжамиятнинг тўғри тушуниши ва қўллаб-қувватлашига умид қилади. Бундай ёндашув шу жиҳатдан муҳимки, айнан биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин, бу йўл нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бутун дунёда низоларни бартараф этиш ва барқарорликни таъминлаш имконини беради.

**Савол: Сизнинг назарингизда, Ўзбекистон қайси тарихий обидаларию замонавий иншоотлари билан сайёҳларни ўзига жалб этиши мумкин?**

Бугунги Ўзбекистон ҳудуди жаҳон цивилизациясининг энг қадимий ўчоқларидан биридир. Бу заминда қадим-қадимдан турли қудратли давлатчилик шакллари алмашиниб турган. Бу Ғарб ва Шарқ халқларининг маданияти ва динлари туташган, ўз асарлари билан дунё тамаддуни хазинасига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим ва мутафаккирлар яшаб, ижод этган табаррук заминдир.

Антик даврдаёқ саховатли диёримизни минглаб шаҳарлар мамлакати деб аташган. Бу ерда Рим, Афина, Искандария ва Карфагеннинг тенгдошлари, жаҳон цивилизациясининг ҳақиқий дурдоналари бўлмиш — Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари жойлашган. Улар ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Айнан мана шу заминда фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия, география, тарих, адабиёт бўйича ўлмас асарлар дунё юзини кўрган. Кейинчалик бу асарлар Европада Уйғониш даврига турткин берган ва кўп асрлар мобайнида Европа фанининг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган. Ўзбек юрти намояндалари — Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ал-Фарғоний ва бошқаларнинг номлари жаҳон тарихи зарварақларига мангу муҳрланган.

Мамлакатимизнинг бой тарихий-маданий мероси минтақанинг кўп асрлик тарихида акс этади ва биринчи навбатда Буюк Ипак йўли тарихи билан боғлиқдир. Антик Римдан Япониянинг қадимий пойтахти — Нарагача чўзилган бу йўлнинг чорраҳасида жойлашган минтақа турли маданиятлар ва анъаналарни ўзига сингдирган ҳолда муттасил тараққий этган.

Ўзбекистонда ислом маданиятининг беназир ёдгорлиги бўлган «Шоҳи Зинда» (XI аср, Самарқанд), «Регистон» мажмуи (XV аср, Самарқанд), Имом ал-Бухорий (Самарқанд), Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (Бухоро) ва ат-Термизий (Термиз) мақбаралари мавжуд.

Шуни таъкидлаш жоизки, Будданинг жаҳондаги энг қадимий ҳайкаллари ҳам Ўзбекистон жанубидаги тарихий шаҳарлар ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар пайтида топилган.

Гўзал географик ва табиий шароитлар республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир. Бу борада мамлакатнинг тоғли ҳудудларида жойлашган, замонавий жиҳозланган сайёҳлик мажмуаларида қишки ва ноёб сайёҳлик дастурлари ташкил этилган. Сайёҳликнинг янги йўналиши — йирик қўриқхоналар ва боғлар ҳудудида ташкил этилган табиатшунослик туризми ривожланмоқда.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Ўзбекистон азалдан халқ ҳунармандчилиги билан машҳур бўлиб келган. Ҳозирги вақтда республикада халқ ҳунармандчилиги асосида эсдалик буюмлари ишлаб чиқарувчи 500 га яқин корхона мавжуд. Улар чинни ва сопол буюмлар, пичоқлар, сопол ўйинчоқлар, зардўзи маҳсулотлар, гилам ва бошқа буюмлар ишлаб чиқармоқда.

Туризм инфратузилмаси жадал ривожланмоқда, янги меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари қурилди, янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилди. Республикада 168 та меҳмонхона ишлаб турибди. Бугунги кунда Ўзбекистон туризм бозорида 408 та оператор иш олиб бормоқда ва улар халқаро сайёҳлар учун кенг кўламли хизматларни таклиф этишга тайёр.

Ҳар йили Ўзбекистонга дунёнинг турли мамлакатлари, шу жумладан Япония, Франция, Корея, Россия, Германия, Австрия, Буюк Британия, Италия ва бошқа давлатлардан 1 миллионга яқин сайёҳ келади. Ўзбекистонга келган меҳмонлар қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимиз, анъана ва удумларимиз, ўзига хос санъатимиз ва маданиятимиз, юртимизнинг гўзал табиати, халқимизнинг бунёдкорона меҳнати ва амалга оширилаётган ўзгаришлардан ҳайратга тушмоқда. Ишончим комилки, сингапурлик сайёҳлар ҳам Ўзбекистонга бир марта келгач, бу гўзал юртга ошуфта бўлиб қолади, ўзи учун унинг янги-янги қирраларини кашф этиш истагида диёримизга қайта-қайта келишни дилига тугади.

Ислом конференцияси ташкилоти ва унинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти томонидан Тошкент шаҳрига ислом маданияти пойтахти деган юксак ном берилгани биз учун улуғ эҳтиром ифодасидир.

## Бугун — Ҳиндистон Республикаси Миллий байрами — Республика куни

***Олис тарих зарварақларида дунё тамаддунининг икки қадим бешиги – Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг туташ саҳифалари кўп. Уларни буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асари, тақдир шамоллари “ҳинд сори юзлантирган” улуғ юртдошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг зурриёдлари руҳи, улар бу мамлакатда амалга оширган хайрли ишлар, яратган боқий ёдгорликлар, шеърият маликаси Зебуннисо, забардаст хамсанавис Хисрав Деҳлавий ва Мирзо Ғолибнинг барҳаёт асарлари, қисқаси, ҳар икки халққа ҳам ғурур бахш этиб турган улуғ бир маданият боғлаб туради.***

# УМРБОҚИЙ ДЎСТЛИК



Бугун эса бу боғлиқлик давлатлараро муносабатлар ришталари орқали янада мустаҳкамланмоқда. Икки ўртада ўзаро борди-келдилар кўпаймоқда.

Ҳиндистон шундай бир диёрки, заминига қадам қўйган ҳар бир инсон нигоҳида у қайта кашф этилаверади. Ўтган 2006 йил Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги таклифига биноан Марказий Осиё мамлакатлари журналистлари вакиллари таркибида афсоналар мамлакатига борганимда, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Боз устига, бизнинг сафаримиз Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида халқимиз учун ардоқли, беназир ҳинд санъаткори Раж Капур хотирасига бағишлаб ўтказилган “Ўзбекистон — Ҳиндистон мусиқа оқшомлари”дан сўнг бошланди. Шунинг учун Ҳиндистонга сафарим буюк санъаткорнинг халқимиз қалбида қолган ўчмас хотиралари, мусиқа оқшомларида Раж Капур фильмлари қўшиқларининг ижрочиси Мукешнинг ўғли, иқтидорли хонанда Нитн Мукеш куйлаган соҳир ҳинд қўшиқлари оғушида бошланди, десам муболаға бўлмас.

Ҳиндистон фақат кинофильмлару қўшиқлар мамлакати эмас. Унинг ҳам ўз кундалик ҳаёти, қувонч-ташвишлари, ўй-муаммолари бор. Мамлакатнинг Деҳли, Жайпур, Агра, Бангалор, Мумбай (Бомбай) каби шаҳарлари билан танишув ва бу шаҳарлардаги турли муассаса ҳамда компанияларда бўлиб ўтган учрашувлар давомида Ҳиндистон ўзининг бутун қиёфаси, борлиғи билан кўз олдимизда намоён бўла борди.

Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда ташқи ишлар давлат вазири Муҳаммад Амин Аҳамед бизни ҳинд заминига қадам қўйганимиз билан қутлар экан, Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида тўхталди. Юртимиз билан бу дўст мамлакатни қадим тарихнинг узилмас ришталари боғлаб турганини, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистон тарихида қолдирган ёрқин изни қайд этди. Бу алоқалар юртимиз мустақилликка эришгач, янги босқичга кўтарилди. Ҳиндистон Ўзбекистон мустақиллигини тан олган илк мамлакатлардан бири бўлиб (1991 йил 26 декабрь), орадан кўп вақт ўтмай (1992 йил 18 март) элчилар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақида баённома имзоланди.

Ўтган вақт мобайнида икки дўст мамлакат ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва самимият руҳида ривож топмоқда. Ҳозирга қадар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тўрт бора расмий ташриф билан Ҳиндистонда бўлди. Икки бор Ҳиндистон Бош вазири мамлакатимизга ташриф буюрди. Икки давлат раҳбарларининг ҳар бир ташрифлари чоғида мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янги-янги устувор йўналишларига пойдевор қўйилди. Жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар ҳам тобора мустаҳкамланмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда 9 та ҳинд компанияси ва ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Ҳиндистон инвесторлари иштирокида 31 та корхона ташкил этилган.

Таълим, маданият ва спорт соҳаларида ҳам икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ривож топиб бормоқда. Ўзбек талабаларининг Ҳиндистоннинг техник-иқтисодий ёрдам дастури доирасида таҳсил олаётгани, мамлакатимиз менежерлари иқтисодиётнинг турли соҳаларига мансуб ҳинд компанияларида малака ошириб, тажриба алмашаётганлари бунга мисолдир. Икки мамлакатнинг Маданият ишлари вазирликлари томонидан “2005-2007 йилларда ҳамкорликни ривожлантириш дастури” қабул қилиниб, амалга оширилаётгани эса бу борадаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда катта омил бўлмоқда. “Ўзбекистон — Ҳиндистон” дўстлик жамияти фаолияти икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маданий алоқалар ҳақида сўз бораркан, икки мамлакат кинематографлари ўртасидаги ҳамкорликни алоҳида тилга оламиз. Томонлар биргаликда фильмларни суратга олишга катта эътибор қаратадилар. Бу борада тажриба етарли. Зеро, “Али бобо ва 40 қароқчи”, "Севги афсонаси" каби биргаликда яратилган фильмлар ҳар икки мамлакатда ҳам кино мухлислари томонидан самимий қаршиланиб, муваффақият қозонганлиги сир эмас.

Маданий алоқаларнинг яна бир қирраси Самарқандда ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалидир. Бу фестивалда ҳиндистонлик санъаткорлар фаол қатнашиб келмоқдалар.

Вазир жаноблари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш, минтақада тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш борасида олиб бораётган сиёсатига, хусусан, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг минтақа ва жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризмга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатлари, илгари сурган қатор таклифларига юқори баҳо берди.

Шу ўринда мамлакатдаги диққатга сазовор жойлар бўйлаб саёҳатимизда улуғ аллома Шайх Низомиддин меъморий ёдгорлиги зиёратини алоҳида тилга олиб ўтмоқчимиз. Шарқ меъморчилигининг нодир намунаси бўлмиш бу меъморий мажмуада Амир Хисрав Деҳлавий, Зебуннисолар мақбаралари жойлашган. Бу мақбараларни зиёрат қиларканмиз, бизни боғлаб турган тарих ришталари нечоғлик мустаҳкам эканлиги хаёлдан кечди.

Бу мажмуадаги бир учрашув хотирамда қолди. Бизни очиқ айвон тўрида ўтирган бир нуроний отахон ҳузурига бошлашди. Отахон Марказий Осиёдан эканимизни эшитиб, биз билан саломлашаркан, “Орангизда Ўзбекистондан, Бухородан келганлар борми?" дея сўради. Ўзимизни таништирганимиздан сўнг кўзлари нурланиб яна қайта саломлашди. Хўжа Саид шайх Низомиддиннинг 17-авлоди, асли келиб чиқишлари Бухородан эканликларини айтиб, ўзини ғурур билан Низомиддин ал-Бухорий деб таништирди. Ёш боладек суюниб, ўзига қачондир совға қилинган бухороча тўнни кўрсатди. Бошига ўзбекча дўппи кийгазганимда қувончига қувонч қўшилди, дўппини қўлларига олиб кўзига суртди.



Вужудидан мадор, нигоҳларидан нур қочган бу инсоннинг ўзи ҳеч кўрмаган, боболари ҳикояларидан таниган аждодлари юртига бўлган меҳр-муҳаббати, уни соғиниб яшаши ҳар биримизга қаттиқ таъсир қилди. Учрашувлар, мулоқотлар, саёҳатлар. Улар бизни ҳинд эли, унинг тарихи, қадриятлари ва бугун эришаётган ютуқлари билан яқиндан таништирди.

Шу ўринда аҳолиси миллиарддан ошиб кетган бу мамлакат бугунги кунда жаҳондаги тез иқтисодий суръатлар билан ривожланиб бораётган давлатлардан саналишини қайд этиб ўтиш жоиз. Ҳинд иқтисодчиларининг маълум қилишларича, Ҳиндистон бу борада Хитойдан кейинги ўринни эгаллаб турибди. Шу ўринда Ҳиндистон ўтган асрнинг 90-йиллари бошида катта иқтисодий таназзулни бошидан кечирганини эслаб ўтиш даркор. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ўша йиллар маълум сабабларга кўра деярли барча хорижий компаниялар мамлакатни тарк этганлар. Бунга холис баҳони тарих берар, лекин шундан сўнг Ҳиндистон иқтисодиётини тиклаш, тараққиётнинг истиқболли йўли ишлаб чиқилгани, ўтган вақт мобайнида мамлакат саноати, иқтисодиётида катта ўсиш бўлгани ҳам ҳақиқат. Бугунги кунда мамлакатда ишлаб чиқариш жадал ривож топмоқда. Бу борада у жаҳонда олтинчи ўринни эгаллаб турибди. Мамлакат ўз автомобилсозлиги, ахборот-коммуникация технологиялари, фармацевтика, енгил саноат ва бошқа қатор соҳалардаги тараққиёти билан жаҳондаги мана мен деган давлатлар билан рақобатлаша олади. Биз автомобилсозлик, қурилиш, чарм либос ва пойабзаллар, яна қатор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат турларига эга бўлган машҳур ТАТА, ахборот-коммуникация технологиялари билан шуғулланувчи WIPRO каби компаниялар фаолияти билан танишганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Шу ўринда жаҳондаги ахборот технологиялари ишлаб чиқараётган корхоналарининг ярмидан кўпи Ҳиндистон улушига тўғри келишини тилга олиб ўтиш жоиз.

Ҳиндистон туризм саноати ниҳоятда ривож топган мамлакат. Мамлакатнинг қадимий тарихий ёдгорликларга бойлиги ва бу ёдгорликларни асраб-авайлашга бўлган катта эътибор, шунингдек, бу борада жаҳон андозаларига мос сервис хизмати йўлга қўйилганлиги Ҳиндистонга сайёҳлар оқими йил сайин ошишига олиб келмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, туризмдан келадиган даромад мамлакат иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди ва кейинги уч йил мобайнида бу соҳани ривожлантиришдан тушаётган даромад 18-20 фоизга ошган.

Айниқса, Аградаги жаҳонда бетакрор ва тенгсиз бўлган Тожмаҳал меъморий мажмуи дунёнинг турли мамлакатларидан зиёратчиларни ўзига оҳанграбодай чорлаб туради.

Шундай, бу икки мамлакатни, икки улуғ маданиятга эга бўлган халқни боғлаб турган ришталар ҳам қадимий ва айни пайтда умидбахш. Умидбахшлиги шундаки, ҳамкорликнинг қай соҳасини олмайлик, ҳали ишга солинмаган имкониятлар жуда кўп. Имкониятлар ишга солингани сайин ҳамкорликнинг янги-янги уфқлари очилиб сайқал топиб бораверади. Зеро, давлатимиз раҳбари Ҳиндистоннинг катта имкониятлари ва мавқеи ҳақида сўзларкан, қайд этганидек, Ўзбекистон халқи ҳамиша бу дўст мамлакат билан муносабатларни қадрлаб келган ва бу дўстлик ришталари йиллар ўтгани сайин мустаҳкамланиб бораверади.

**Шерзод ҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси.**

Футбол

## «Пахтакор» ишончни оқламоқда

***Москвада футбол бўйича давом этаётган МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубогида ярим финалчилар номи маълум бўлди.***



Қувончлиси, ушбу жамоалар орасида Ўзбекистоннинг етти карра чемпиони «Пахтакор» ҳам бор. Ўз гуруҳларида биринчи ўринни эгаллаган ҳамюртларимиз чорак финалда Сербиянинг ОФК жамоаси билан учрашди. Ўйиннинг асосий қисми 1:1 дуранг натижа билан якунланди. Пенальтилар баҳсида юртдошларимиз 4:2 ҳисобида зафар қучишди.

Демак, бугун бўладиган ярим финал учрашувида «Пахтакор»—«Шериф» (Молдавия), «Вентспилс»(Латвия) — ЦСКА (Россия) жамоалари ўзаро куч синашадилар.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

«Янги-Ангрен ИЭС» ОАЖ
ички аудит хизмати учун ходимларни ишга таклиф этади.
Номзодларга қўйиладиган талаблар:
- олий маълумотли;
- аудитор малака сертификатига эга бўлиши лозим;
- сўнгги ўн йилнинг камида икки йили давомида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ва солиқ назорати соҳасида амалий тажрибага эга бўлишлари керак.
Мурожаат учун манзил:
Тошкент вилояти, Нуробод қўрғони,
«Янги-Ангрен ИЭС» ОАЖ.
Телефон: 136-65-25. Факс: 136-98-43.
83R/120

Российский линолеум
Производство
ЩекиноАзот г. Тула,
Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad Сделаем жизнь спокойнее!
RUBEZH
ADI International
Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
НАДЕЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ
Охранно-пожарная контрольная панель управления (пр-ва России) - 8-40 зон: от 108.000 сум.
Датчики дымовые оптико-электронные (пр-ва России): от 10.000 сум.




ЕВРОПЕЙСКОЕ КАЧЕСТВО, ПРОВЕРЕННОЕ ВРЕМЕНЕМ
По цене от 11.000 сум. за датчик Is215 и 150.000 сум. за панель SYS2316
пр. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,
лицензия КМ №000390 (проектирование).

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS



ГАЗ-31105, «ВОЛГА»



ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли



ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли




ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли



ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА



ГАЗ-3307 Автоэвакуатор



ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.
ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.
АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ТАШКИЛОТ
ҚУРИЛИШ ВА ЕР ҚАЗИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ, ЖУМЛАДАН
САМОСВАЛ, ЮКЛАГИЧ (ПОГРУЗЧИК) КРАН ВА ЭКСКАВАТОРЛАРНИ
СОТИБ ОЛАДИ.
Таклифлар учун телефон: (371) 120-66-20. Факс: (371) 120-66-30.



*Рубероид, линолеум ва ковраланларни ёпамиз.*
*Тўлов шакли — нақд ва пул ўтказиш йўли билан.*
Телефон: 340-99-37.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари 1-инглиз филологияси факультетининг декани муовини Баҳромжон Қулматовга отаси
**Ғуломжон ҚУЛМАТОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти жамоаси катта кутубхоначи
**Зайнаб РАҲМАТУЛЛАЕВАнинг**
вафоти туфайли марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви ва жамоаси «Turon qurilish materiallari» корхонаси раҳбари Баҳодир Исмоиловга онаси
**Феруза ИСМОИЛОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 053. 38237 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 24.00 Топширилди — 00.35 23456